



• Олий Мажлис XIV сессияси ишига доир

ЎЗБЕКИСТОН—ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА



Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни орзиқиб қутилган XXI аср томон тобора яқинлаштирмоқда. Халқимиз бу қутлуг асрга яратиш, янги, жаҳонга кўз-кўз қилса арзигулик давлат қуриш ишчи билан ёнган бир кайфият ила кириб келмоқда. Йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йиллигида дунё ҳаритасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Бу давлат йигирма биринчи асрда куч-қувватга тўлган, истиқболи порлок, қудратли давлатлардан бири бўлиб қолишига шакшубҳа йўқ.

Кеча ўз ишини тутатган Биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида Республикаимиз Президентини Исмоил Каримов маърузасида қуйидаги сўзларда ўзгача бир ҳошият бор: «Ўз ҳаётимизни обод қилиш, халқимиз учун муқаддас бўлган кадрларга, улкан тарихий меросга таянган, шу билан бирга, умум эътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда, мамлакатимизни ўзимиз хоҳлагандек қуриш имконияти тугилди».

Сессияда бевосита иштирок этган, шунинг билан бирга унинг ишини ойнай жаҳон орқали кузатиб борган ҳар бир киши бу катта анжуманнинг ўзига хос руҳини пайкамай қолмади, албатта. Унда мана шу тарихий воқеаларга бой, ҳам мураккаб, ҳам серташвиш давримизнинг туб муаммоларига атрофлича баҳо берилди.

Халқимизда «Томчида кўёш акс этади», деган доно нақл бор. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Республикаимиз Президентини номига ҳар кун келаётган юзлаб хатлардан бирини эслаб ўтиш кифоядир. Бу хатни Президентимиз сессияда ўқиб эшиттирди. «Менинг исмиим Андерс Твойгард, — деб ёзибди хорижлик бир одам, — мен Сизни қўлаб-қувватлашимни изҳор этиш мақсадида Норвегиядан мактуб йўлламоқдаман. Сизнинг сиёсатингиз ҳақида кўп ўқийман, мамлакатингиз таррақийти учун амалга оширатган ишларингизни юксак қадрлайман. Шу фурсатдан фойдаланиб, менга ўз дастхатингиз билан суратингизни юборишингизни сўрайман».

Бу мактуб нафақат жаҳон афкор оммаси томонидан эътироф этилган Президентимизга, балки давлатимизга, бутун халқимизга бўлган юксак эътиромдир.

Олий Мажлис сессиясида қўрилган масалалар, уларга депутатларнинг муносабати, қабул қилинган қарорлар ҳақида республи-

ри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди».

Юртимиз раҳбари тарихан қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонни мустақил ривожлантириш борасида нима-ларга эришилганини бирма-бир санаб берди.

Шу йилнинг 16 февраль воқеалари Президент Исмоил Каримов маърузасида таассуф билан тилга олинди. «Биз ўзимизнинг аччиқ тажрибамизда Ўзбекистон мустақиллигига ҳақиқий хавф-хатарлар борлигига қайта-қайта амин бўлмоқдамиз, — деди у. — Бундай қирқдорларда мақсад — мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлиқни, фуқаролар ва миллатлараро товуқлини издан чиқаришга уринишдир».

Ана ўша машвум воқеаларда ёшларимизнинг иштироки эҳтиётсиз бўлди. Президентимиз бу нарсасга ўз маърузасида алоҳида тўхталди. Бизнинг беғам-лоқайдчилигимиз, ишмииздаги камчиликлар оқибатида ёшлар жиний гуруҳлар, экстремистлар таъсирига, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари жамиятимиз олдидagi қатор вазибаларга диққат-эътибор қаратди. У мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришни биринчи ўстувор йўналиш қаторига киритди. Президент жами бешта ўстувор йўналишни белгилаб берди.

Улар жамият маънавиятини янада юксалтириш, кадрлар масаласи, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши ва ниҳоят, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро товуқлик, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш борасидаги йўналишлардир.

Президентимиз маърузасида жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқлиги ҳақида айтиб ўтилди. Дарҳақиқат, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётдан муносиб ўрин ололмаптилар. Сиёсий партиялар ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, уларнинг аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлмоғи керак.

Президентимиз ўз сўзида жамиятимизда аёллар ва ёшлар ролини тобора ошириш, фарзандларимизнинг руҳий дунёсини шакллантириш масалаларига алоҳида ўрғ берди. Шунингдек, маҳаллий органлар ролини ошириш, адвокатур ва суд тизимини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг жамиятдаги ролини ошириш масалаларига ҳам диққат-эътибори қаратди. Маърузада, айниса маънавий масалаларига катта аҳамият берилди. Юртимиз раҳбари

га хизмат қилмоқда. Чунки табиат ҳамиша инсоннинг онгли муносабатига муҳтож. Биз ўзимизни табиатнинг оқил, гам-хўр фарзанди деб ҳис этмоғимиз учун аввало унинг сирини синаётларидан яхши хабардор бўлишимиз лозим.

Ҳозир ботаника боғида кофе гуллари, банан мева тугган. Япон айваси қирмизи гуллари бурканган. Кавказ мусулласининг хушбўй мевалари эса шоҳларда ларзон. Дунёнинг турт иқлими Самарқанднинг муъжазига ана шу боғида муҳассамлашганига беихтиёр таҳсин айтасиз. Франция, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Австралия сингари мамлакатларнинг етакчи биолог олимлари ҳам бу ерга кўп марта таъриф буюришган ҳамда изланишларга юқори баҳо беришган. Наботат оламини асраб-авайлаш ва бойитиш борасида қимматли тақлифларини билдиришган. Яқинда Самарқанд дорилфунуни биология факультетига АҚШнинг Сент-Луис шаҳридан махсус тақлифнома келди. Унда самарқандлик олимлар ўз тадқиқотлари билан Миссури ботаника боғида ўтказиладиган XVI Бутунжаҳон ботаникалари конгрессида иштирок этишлари суралган. Бундай ҳамкорлик ва изланишлар Самарқанд даразасидан дунё табиатига кенгроқ назар солишга, ўзаро тақдослашлар орқали фойдали хулосалар чиқаришга хизмат қилади.

Зоҳир Тўрақулов,
«Адолат»нинг ўз муҳбири.

Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

Бу гап, аввало, партиялар масаласига тааллуқли. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётдан муносиб ўрин ололмаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтиш кераки, бу танқид ўринлидир.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тизимларидан, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин.

Ислом ҚАРИМОВ.



◆ Озарбайжон Президенти Хайдар Алиев Мустафо Камол Отатурк шарафига таъсис этилган йиллик тинчлик мукофоти билан тақдирланди. Ушбу мукофот шу йил 19 май кунини Анкарада ўтказиладиган расмий маросимда топширилади.

◆ Қирғизистон Президенти Аскар Акаев расмий таъриф билан Ҳиндистонга жўнаб кетди. Унинг Ҳиндистон раҳбарияти билан ўтказадиган музокара-ларидан Урта Осиё минтақаси ва умуман Осиёдаги вазият ҳамда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари масалалари муҳокама қилинади.

◆ Польша Президенти Александр Квасьневский давлат таърифи билан Литвага келди. У республика раҳбарияти билан учрашди ва икки томонлама муносабатлар тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

◆ Франция Нигер билан ушбу мамлакатда ҳарбий тўнтариш амалга оширилганлиги боисидан ҳамкорлигини тўхтатди.

◆ Буюк Британия Эрон билан дипломатик алоқаларни тўлатишга тиклаш ва элчиларни айирбошлашга қарор қилди.

◆ Ҳиндистон ҳарбий-ҳаво кучлари «Тришүл-99» деб номланган кенг миқёсلى ҳарбий машқларини ўтказди. Унда 300 дан зиёд жаңговар самолёт ва вертолёт иштирок этди.

◆ Вьетнам Ташки ишлар вазирлиги таркатган баёнотда маълум қилинишича, шу йилнинг 30 апрелида Ханойда Камбоджани АСЕАНга қабул қилиш маросими бўлиб ўтади. Шундан сўнг АСЕАНга аъзо давлатлар сонини ўнгага этади.

◆ Зимбабве ҳукумати Россиядан ўнлаб «МИ-24» русумли ҳарбий вертолёт ва бошқа қурол-яроғ сотиб олиш режасида.

◆ Сомалида Сомали миллий fronti етакчиси Али Нур Муҳаммад Мухтор кўққисдан уюштирилган ҳужум натижасида ҳалок бўлди.

◆ Ҳиндистон 2 минг километрдан зийрқот масофага ядро қаллақларини еткази оладиган «Агни-2» русумидаги ракета-ларини синаовдан ўтказди.

◆ Жанубий Африка Республикаси Президенти Нелсон Мандела ва унинг рафиқаси Грасса Машел Мозамбик пойтахти — Мапутида ҳашаматли қароргоҳ қуришни режалаштиришди.

◆ Утган ҳафта охирида Бангладешнинг жанубий ҳудудларида кучли тўфон ўзи бериши натижасида 12 киши ҳалок бўлган, издан зийд киши жароҳатланган, 54 киши эса бедарак йўқолган.

◆ Француз кинорежиссёри Клод Лелюш тижорат ишлари билан шуғулланишга киришди. У Исроилнинг Негев ҳўлида «Минг бир кеча» эртақлари руҳига ҳамоҳанг бўлган ҳашаматли меҳмонхона қурмоқда. У ерда турк ҳаммомлари, боғлари, каналлари, обсерватория ва кутубхона бўлади. Меҳмонхонага фақат туяларга миниб бориш мумкин бўлади.



◆ Нью-Йорк кўчаларидан бирининг кўриниши.

Хат босилмади, аммо...

АРИЗАЧИ ҚАНОАТЛАНДИ

Қозогистонлик фуқаро Ибайдулла Қочқаров таъриятимизга йўллаган хатида айтишича, Қомилжон Жалолхонов деган киши хотинини Тошкентга пропискага ўтказиш учун 72 минг сўм пулини олган. Аммо паспортга қалбаки муҳр уриб берган. Сир очилгач, пулни қайтариб бермай юрибди. Биз шикоятни Тошкент шаҳар прокуратурасига юбериб, у ердан шаҳар прокурори муовини Б. Нурмухамедов имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Шаҳар прокуратурасининг топшириғига асосан, фуқаро И. Қочқаровнинг «Адолат» газетасига ёзган аризаси бўйича Мирзо Улугбек туман прокуратураси томонидан текширув ўтказилди.

Аниқланишича, И. Қочқаров Қозогистон Республикаси фуқароси бўла туриб, ўз турмуш уртоғи — Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси Г. Султоновани Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрига доимий яшаш учун рўйхатга (пропискага) ўтказиш мақсадида фуқаро К. Жалолхоновга мурожаат қилган ва паспорт билан 72 минг сўм берган.

Қомилжон Жалолхонов Султоновани қонун бўйича рўйхатга ўтказиш мумкин эмаслигини билди, уларга паспортларини ва олган пулидан 46 минг сўминини қайтариб, қолган 24 минг сўминини қарз сифатида қайтаришини билдирган ва бу тўғрисида тилхат ёзиб берган. Ўтказилган текширув даврида Қочқаров ва Султоновалар қарз пулларини тулиқ олишганини билдиришди.

Маъзур ҳолат бўйича Мирзо Улугбек тумани ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 1-қисми билан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Биз билмаган табиат

ИСКАНДАРНИ ҚУТҚАРГАН ДАРАХТ

Она табиат ҳали ўқилмаган бир китоб. Унинг саҳифаларини ва-раклаган сайин янги-янги мўъжизаларга, ривоятю афсоналарга дуч келасиз. Ҳаёт ҳақидаги тасаввурларингиз кенгайиб ўзинингизнинг табиат фарзанди эканлигингизни яқинроқ ҳис этасиз. Ва, бизни қуршаб турган яшиллик оламига нисбатан меҳр-муҳаббатингиз яна-да ортади.

Самарқанд давлат дорилфунунининг биология факультети қошидаги ботаника боғида сиз худди шундай таассуротни туясиз. Гап шундаки, ботаника боғи нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона ҳисобланиб, гоё катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Бу ердаги 1200 дан зиёд усимлик тропик ва субтропик минтақаларга хос бўлиб, ҳар бири ўз тарихига, ажойиб саргузаштларига эга. Веер пальмаси, лоласифат хитой гебискуси, кавказ мушмулласи, япон айваси, фикус дарахти, балъомерия хушбўй дарахти, са-лобатли финик дарахти ва танасини ногоҳ тилсангиз бўлоқдек кўз ёши тўкиб тура-диган африка кактуси...

Ривоят қилишларича, жаҳоннинг фоти-ҳи Искандар Зулқарнайн қушинлари Осиё-га юриш чоғида жазирама сахрога тушиб

роса қийналган. Қилт этгули шабада йўқ, Оппок кум барханлари осмон билан туташиб кетган. Жаҳонгирнинг борар манзили ҳали узоқ. Отлар ва туяларга ортилган сув идишлари бушаб қолаётган. Лекин Искан-дар орқага қайтишга одатланмаган. Шу чоқ олисда қора қуланга кузга чалинди. Қушин юришини тезлаштириб, етиб келганида у булутларга елка тираган бағоят улкан финик дарахти ва унинг муздек қуланкаси экан. Дарахт остидаги сояда эса бўлоқ суви жимирлаб оқарди. Ушунда Искандарнинг беҳисоб қушини шу ёлғиз дарахт соясида жойлашиб жазирамада жон сақлаган экан...

Танасининг йўгонлиги 2 метр, бўйи 30—40 метргача етадиган афсонавий финик пальмаси ниҳоят Самарқандни узининг иккинчи ватани деб билди. Бу ердаги дорилфунун талабалари — булажак биолог ва

ботаниклар антиқа усимликнинг ривожланиш хусусиятлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Шугина эмас, ботаника боғидаги кофе, банан, тамат дарахтлари ва номлари Қизил қитбадан жой олган бошқа юзлаб хилдаги анвойи гулу усимликлар дорилфунунининг фаҳрига айланган. Марҳум олимлар — биология фанлари доктори Назир Амирхонов ва профессор Жаббор Қобулов ботаника боғига асос солиб, дунёнинг турли мамлакатларидан нодир қучатларни битталаб йиғиб келишган эди. Энди уларнинг эзгу ишлари-ни шоғирдлари давом эттиришмоқда.

Бог туридаги иссиқхона нодир усимлик-лар қучатларини кўпайтириб тарқатишда ўзига хос таъриба ўлчасига айланган. Қўхна Самарқанднинг энг муборак қадамжолари, хусусан, Амир Темури хибобини гулу гул-зорга айлантиришда ботаника боғи мута-хассисларининг ҳам улушлари салмоқлидир. Қўқаламзорлаштириш ойлиги давом этаёт-ган шу кунларда ҳам боғбону мутахассис-лар шаҳар ҳужалиқларига қўлаб гул-қучат-лар етказиб беришмоқда.

Мухими, дорилфунунининг ботаника боғи-даги тадқиқотлар кўпроқ илмий мақсадлар-

